

Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 15 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ер участкаларидан самарали фойдаланиш, соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида”ги ЎРҚ-997-сонли Қонуни мазмун моҳияти.

Мазкур қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, Жиноят процессуал Кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, Фуқаролик процессуал кодекси ва Иқтисодий процессуал кодексларига бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, Жиноят кодексининг **229-1-моддаси** 1-қисмининг санкциясидаги “бир йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш” деган сўзлар беш йилгача озодликни чеклаш ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш” деган сўзлар билан, 2-қисмининг санкциясидаги “икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш” деган сўзлар “беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш” деган сўзлар билан алмаштирилди.

Жиноят кодексининг **229-4-моддаси** 1-қисмининг санкциясидаги “бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш” деган сўзлар “бир йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш” деган сўзлар билан алмаштирилди. 2-қисмининг диспозицияси

“бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса” деган мазмундаги “в” банди билан тўлдирилди ва санкциясидаги “уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш” деган сўзлар “беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш” деган сўзлар билан алмаштирилди ва мазкур жиноятлар учун жазолар кучайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг **60-моддаси** 2-қисмининг санкциясидаги “йигирма беш баравари, мансабдор шахсларга эса – эллик баравари” деган сўзлар “ўттиз баравари, мансабдор шахсларга эса – етмиш баравари” деган сўзлар билан алмаштирилди. 3-қисмининг санкциясидаги “бир юз эллик баравари, мансабдор шахсларга эса – уч юз баравари” деган сўзлар “икки юз баравари, мансабдор шахсларга эса – тўрт юз баравари” деган сўзлар билан алмаштирилди ва мазкур маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун жазолар кучайтирилди.

Ушбу Қонун келгусида мамлакатимизда муҳим аҳамиятга эга бўлган ер участкаларини, айниса суғориладига ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ва уларда қурилиш ишларини амалга оширилишини олдини олишга хизмат қилади.

Жиноят ишлари бўйича

Олтинсой туман судининг раиси

Т.Абдуллаев.